

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 377.36: 67

АБДУНАЗАРОВА Наргиза Фатхуллаевна

**ТАЪЛИМНИ АХБОРОТЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА КАСБ-ҲУНАР
КОЛЛЕЖЛАРИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ**

13.00.08 – Касб-ҳунар таълими назарияси ва методикаси

**Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2008

Иш Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтида бажарилган

Илмий раҳбар: педагогика фанлари доктори, профессор
Улуғбек Ильёсович Иноятов

Расмий оппонентлар: педагогика фанлари доктори, профессор
Қахрамон Танзилович Олимов

педагогика фанлари номзоди
Баходир Собирович Нуридинов

Етакчи ташкилот: **Гулистон давлат университети**

Ҳимоя Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги К.067-18.01-рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг 2008 йил “____” _____соат ____даги мажлисида бўлади. Манзил: 100700, Тошкент шаҳри, Юсуф Хос-Хожиб кўчаси, 103-уй, факс (+99871) 1527392, e-mail: tgpuinfo@edu.uz

Диссертация билан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2008 йил “____” _____да тарқатилди

Бирлашган ихтисослашган
кенгаш илмий котиби,
физика-математика
фанлари доктори, профессор

К.Р. Насриддинов

1. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимиз таълим тизими шаклланишининг шак-шубҳасиз муваффақияти биринчи навбатда ўн йил давомида Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг мақсадларида белгиланган йўналишнинг ўзгармай келиши билан характерланади. Лекин ислохотнинг дастлабки давридаги каби, ҳозир ҳам шуни таъкидлаш мумкинки, таълим соҳасидаги улкан ўзгаришлар, кадрлар тайёрлаш сифатининг ўсиши, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг талабларига мослигини таъминлай олмайди.

Шубҳасиз, таълим сифатидан қоникмаслик турли сабабларга кўра туғилади. Бунинг дастлабки ва асосий сабаби педагогик кадрлар тайёрлаш сифатидир. Чунки, айнан уларнинг ўзлари таълим тизими фаолиятини яхлитлигига ва унинг ҳар бир бўлақларини алоҳида ҳолдаги самарадорлигини белгилайди. Таълим ривожланишининг ҳал этилиши аҳамиятга эга ва зарур бўлган шубҳасиз ҳамма долзарб муаммолари барча таркибий-ташкилий даражалардаги таълим фаолиятининг талаб этилган даражасини таъминлай олмаяпти ва таъминлай олмайди ҳам. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури айнан шунинг учун ҳам устувор вазифа этиб кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини ташкил этишни белгилаб берди: “Таълимнинг юқори сифати ва барқарор ривожланишини кўзда тутувчи педагогик кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашнинг эгилувчан тизими ташкил этилмоқда. Педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириб бориш, уларнинг касбий сифатларини рақобатбардош миқёсда қўллаб қувватлаш таъминланади”¹.

Педагогик кадрларнинг узлуксиз касбий, шахсий ривожланишини англаган маънода биз амин бўлишимиз керакки, мамлакатимиз таълим тизимининг ажралмас бўлаги бўлган педагоглар малакасини ошириш тизими жўшқин ўзгариб боровчи амалиётнинг талабларига тўлиқ жавоб бермайди.

Касбий педагогик таълим сифатини ошириш муаммолари ечимининг эмпирик ва изланувчан қидируви тизимли қарама қаршиликларни очиб беришга қаратилган бўлиб, кадрлар тайёрлаш сифатини сезиларли даражада ошириш, уларни ечишнинг амалий йўллари кўрсатиш билан педагогика фани шуғулланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Педагогик кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизими ва у билан ажралмас боғлиқ бўлган узлуксиз таълим ва катталарни ўқитиш муаммолари мамлакатимиз ва жаҳон педагогика фани диққатидан четда қолмаган. Мамлакатимиз касб-ҳунар таълими тизими ривожланишининг назарий амалий йўналишларига қуйидаги муаллифларнинг: В.Г. Алиев, М.С. Алимов, Р.Х. Жўраев, У.И. Иноятов, Ш.Э. Қурбонов, Б.Нуритдинов, У.Н. Нишоналиев, Х.Ф. Рашидов, А.Р. Ходжабаев ва бошқаларнинг ишлари бағишланган.

¹ Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. “Баркамол авлод Ўзбекистон таррақиёти пойдевори”, Тошкент, 1997

Узлуксиз таълим тизими муаммолари олимлар: М.И. Арнаут, А.П. Владиславлев, П. Джарвис, В.А. Ермоленко, Г.П. Зинченко, М.В. Кларин, В.В. Краевский, П. Ленгран, Н.И. Нечаев, А.М. Новиков, Н.К. Сергеев ва бошқаларнинг ишларида кўриб чиқилган.

Катталарни ўқитиш назарияси ва амалиёти бўйича қуйидаги муаллифлар изланиш олиб борганлар: С.Г. Вершловский, М.Т. Громкова, С.И. Змеев, Ю.И. Калиновский, М.Ш. Ноулз, В.Г. Онушкин, Е.И. Огарёв, М. Тайт ва бошқалар.

Онтология, шаклланиш тарихи, таққослаш тажрибаси, замонавий ҳолати, ташхислаш ва ривожланиш соҳасидаги педагогик кадрларнинг малакасини ошириш муаммоларига: Б.Р. Адизов, А.А. Акмалов, Л.М. Васильева, В.Б. Гаргай, Г.А. Гуртовенко, К.З. Зарипов, Е.В. Иванов, З.А. Каргина, В.В. Краевский, Е.С. Манюкова, Н.А. Муслимов, Э.М. Никитин, М.Н. Нишонов, А.Ю. Панасюк, Я.В. Радченко, Ш. Саидкулов, А.П. Ситник, Б.К. Тульбасова, И.П. Цвелюх, Т.И. Шамова, Ш.С. Шарипов, Т.И. Южакова, Г.Р. Юсупова ва бошқаларнинг ишлари бағишланган.

Касбий педагогик таълимнинг мазмунини педагогик моделлаш ва лойиҳалаш қуйидаги муаллифлар: В.А. Ермоленко, Г.А. Железцова, В.И. Зверева, В.В. Краевский, М.В. Кларин, В.С. Леднев, Э.М. Никитин, А.М. Новиков, Г.Н. Подчалимова, В.Г. Родионов, Ю.Г. Татур, Т.И. Шамова, Чжу Сяо Мань ва бошқаларнинг ишларида ўз ифодасини топган.

Педагогик кадрлар малакасини ошириш соҳасидаги назарий изланишлар фан ва амалиёт орқали бу соҳада бажарилган ишларни кўришда маънога эга бўлиб қолмай, балки бартараф этилиши лозим бўлган мавжуд зиддиятларни очиқ ташлаш ва шу билан биргаликда бу масалаларнинг қўйилиши, изланаётган натижа – касбий педагогик таълимнинг сифатини оширишга олиб келишда ҳам аҳамиятга эга.

Ўрта махсус касб-ҳунар таълими педагогик кадрлари малакасини ошириш тизимидаги зиддиятлар Х.Ф. Рашидовнинг ишида кўрсатиб берилган:

- малака ошириш дастурининг репродуктив характердаги мазмуни, мазмунни яратишнинг догматик шаклидир;
- тингловчилар томонидан мазмунни танлашда ва таълимнинг индивидуал дастурини мустақил шакллантириш имкониятида эгилувчанликнинг йўқлиги;
- малака ошириш тизимида замонавий коммуникацион, ахборот технологиялардан, малака оширишнинг тармоқли шаклларида етарли даражада фойдаланмаслик;
- эскирган педагогик технологияларни қўллаш.²

Бартараф этилиши талаб қилинган натижаларга олиб борадиган асосий зиддиятларни янада аниқроқ белгилаш учун, критериялар асос зарур. Реал касбий педагогик фаолиятнинг таҳлили бундай асос бўлиши мумкин деб

² Рашидов Х.Ф. Ўзбекистонда ЎМКХ таълими ривожланишини ижтимоий-педагогик ва назарий-методологик асослари (Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини материаллари асосида): пед.фан.док.дис. – Тошкент, 2005.-311 б.

тасаввур қилинади, аниқроғи таълим жараёни иштирокчиларининг таълим жараёнини етарли даражада самарали бўлишига ҳалал бераётган зиддиятлар тўғрисидаги баҳоларидир. Уларнинг айнан ўзи педагогик кадрлар малакасини ошириш бўйича изланаётган масаланинг қўйилиши ва ҳал этилишига хизмат қилади. Бунда шу нарсани алоҳида белгилаш лозимки, педагогик кадрлар малакасини оширишнинг изланаётган масалаларини ҳал этишнинг методологик кўрсатмалари билан ўрта ва олий мактаб методологияси ўртасида принципиал фарқлар мавжуд бўлиб, улар “мактаб” дидактик низомини катталар таълим жараёнига тўғридан тўғри ўтказмайдилар.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими педагогик кадрлари малакасини ошириш тизимини педагогик олий ўқув юртлари малака ошириш тизими билан таққосланганда у принципиал ўзгача масалаларни ҳал этишга қаратилган. Агар ОЎЮ бўлғуси педагогнинг реал педагогик амалиётда қўлланиладиган базавий тайёргарлигини эҳтимолнинг муайян улуши билан таъминласа, ўрта-махсус, касб-хунар таълими малака ошириш тизими тингловчиси эса ўзини педагог сифатида сафарбар этиб бўлган бўлиб, бунда малака ошириш тизимининг вазифаси ахборотлашган шароитларда педагогнинг самарали касбий педагогик фаолиятини қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Асосий зиддият: таълимнинг олдида турган бир қисм сифатидаги малака ошириш тизимининг мақсадлари билан педагогик кадрларга таълим бериш мақсадлари ўртасидаги қарама қаршилик.

Аниқланган зиддиятлар **тадқиқотнинг муаммосини** асослашга сабаб бўлди: таълим жараёни барча иштирокчиларининг мақсадларини мувофиқлаштирган ҳолатда ўрта махсус касб-хунар таълими педагогик кадрлари малакасини ошириш тизими қандай бўлиши керак?

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан билан боғлиқлиги. Диссертация иши ФТДҚнинг П-5-18 рақамли “Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими муассасалари учун педагогик кадрларини тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлашнинг самарасинини таъминлашнинг илмий-методик асослари” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган. Тадқиқот ишида ОТБ 1737 Ўзб “Ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантиришнинг стратегияси” лойиҳасининг “Ўрта махсус, касб-хунар таълими педагогик кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштиришнинг ҳолати, камчиликларини кўрсатиб бериш, методикалар ишлаб чиқиш ва илмий методик асослари” компоненти доирасида бажарилган илмий тадқиқот ишининг натижалари ҳам акс этган.

Тадқиқотнинг мақсади: таълимни ахборотлаштириш шароитида ўрта махсус, касб-хунар таълими кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизими шакли ва мазмунининг ташкилий педагогик асосларини аниқлаш.

Тадқиқот вазифалари:

1. Ўрта махсус, касб-хунар таълими кадрлари малакасини ошириш тизимининг сифатини ҳал этишнинг назарий асосларини ташкил этувчи ҳолатлар умумлашмасини асослаб бериш.
2. Ғарб педагогик кадрлар малакасини ошириш тизимининг назарий асослари ва амалий ютуқларини таҳлил қилиш.
3. Республика ўрта махсус, касб-хунар таълими педагогик кадрлари малакасини ошириш тизимининг тарихий тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш.
4. Ўрта махсус, касб-хунар таълими педагогик кадрларини ўқитиш услуби моделини қўллашнинг методикасини ишлаб чиқиш.
5. Ўрта махсус, касб-хунар таълими педагогик кадрлари малакасини ошириш жараёнининг мазмунини танлаш методини ва ташкил этиш тамойилини аниқлаш.
6. Тингловчиларнинг эҳтиёжларини қондиришни таъминловчи таълим дастурини лойиҳалашнинг методикасини ишлаб чиқиш.
7. Ўрта махсус, касб-хунар таълими педагогик кадрлари малакасини оширишнинг яхлит ташкилий-дидактик тизимининг элементларини ишлаб чиқиш ва тажрибада синаб кўриш.

Тадқиқот объекти: ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрларини малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизими.

Тадқиқот предмети: ўрта махсус, касб-хунар таълими кадрлари малакасини ошириш тизимининг ташкилий шакллари ва мазмуни.

Тадқиқот фарази: ўрта махсус, касб-хунар таълими кадрлари малакасини ошириш тизими ўрта махсус, касб-хунар таълими кадрларини ахборотлаштириш шароитида юқори самарали педагогик фаолиятга тайёрлигини таъминлай олади, агарда:

- ўрта махсус, касб-хунар таълими кадрлари малакасини оширишнинг назарий асослари аниқланган бўлса;
- ўрта махсус, касб-хунар таълими кадрлари малакасини оширишнинг ташкилий шакллари ва мазмунининг манбалари аниқланса;
- тингловчиларнинг таълимий эҳтиёжларини қондиришни таъминловчи таълим дастурларини лойиҳалашнинг методлари ишлаб чиқилса;
- таълим дастурларининг умумлашмасини амалга оширишнинг ташкилий-дидактик тизими яратилса.

Тадқиқотнинг методологик асоси: Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро сабаблилиги ҳақидаги фалсафий низомлар. Тадқиқот мамлакатимиз ва хорижий олимлар Р.Х.Жўраев, С.И. Змеев, У.И. Иноятов, В.В. Краевский, Ш.Э. Курбонов, П.Ленгран, У.Н. Нишоналиев, М.Ш. Ноулз, Б. Нуритдинов, Х.Ф. Рашидов, А.Р. Ходжабаев ва бошқалар педагогик изланишларининг назарияси ва методологияси масалаларининг таҳлилига суянади.

Тадқиқот методлари: фалсафий, педагогик, психологик, ижтимоий адабиётларнинг назарий таҳлили; изланиш давомида олинган эмпирик маълумотларнинг таҳлили ва синтези, эмпирик даражадаги методлар: педагогик тажрибани ўрганиш ва умумлаштириш, ҳужжатларни ўрганиш, анкеталаштириш, ижтимоий ўлчовлар, кузатув, суҳбат, ўз-ўзини таҳлил ва ўз-ўзини баҳолаш, мустақил характеристикаларни умумлаштириш, тажриба-синов ишлари.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

1. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими кадрлари малакасини ошириш тизими таълими сифати муаммоларини ҳал этиш назарий асосларини ташкил этувчи ҳолатлар;
2. Педагог кадрлар малакасини оширишнинг ғарб тизими назарияси ва амалиёти таҳлилининг солиштирма натижалари;
3. Мамлакат ўрта махсус, касб-ҳунар таълими педагог кадрлар малакасини оширишнинг тарихий тажрибаси ва ривожланиши истиқболларини умумлаштириш;
4. Педагогик кадрларга таълим бериш йўллариининг модели ва уни таълим жараёнида қўллашнинг методикаси;
5. Контекст таҳлилининг расмий мантиқий метод билан ишлаб чиқилган “таълимий дастур” тушунчасини белгилаб олиш;
6. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими кадрлари малакасини ошириш жараёнини ташкил этиш принциплари ва мазмунини саралашнинг методик асослари;
7. Тингловчиларнинг долзарб муаммоларини қондиришни таъминловчи таълим дастурини лойиҳалаш методикаси;
8. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими педагогик кадрлари малакасини оширишнинг яхлит ташкилий-дидактик тизими элементларини ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказишнинг тажрибавий ишлари натижалари.

Илмий янгилиги:

- ўрта махсус, касб-ҳунар таълими педагогик кадрлар малакасини оширишнинг услубини моделлаштириш методи ва таълим жараёнида қўллаш методикаси ишлаб чиқилган;
- “таълим дастури” тушунчасига таълимнинг мазмунини аниқловчи, ўзаро таъсир характери, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва таълим жараёни субъектларининг маъсулиятини белгиловчи ташкилий, ҳуқуқий ва ташкилий-дидактик характердаги ҳужжат сифатида аниқлик берилган;
- таълим дастури модели ва турли ҳилдаги таълим дастурларини лойиҳалашнинг методикаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти:

- узлуксиз таълимнинг концептуал қоидалари, катталарни ўқитишнинг назарияси ва амалиётининг асосий ҳолатлари бўлган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими кадрлари малакасини оширишнинг мазмуни ва ташкилий шакллариининг назарий асослари

аниқланган. Узлуксизлик малака оширишнинг ташкилий шакллари, катталар дидактикаси – таълим мазмунини белгилаб беради;

- педагогнинг касбий-шахсий ривожланиши ва касбий педагогик фаолиятига қараб педагог кадрларга таълим бериш йўллари модели ишлаб чиқилган бўлиб, у малака ошириш муассасасига изчиллик билан таълимнинг янги технологиялари ва методикаларини ишлаб чиқиш имконини беради;
- тингловчиларнинг эҳтиёжларини қондиришни таъминловчи индивидуал, гуруҳли ва модели дастурлар яратиш имконини берувчи таълим дастурининг модели ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот натижалари бўйича ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари, бошқарув органлари учун методик тавсиялар ишлаб чиқилган бўлиб, улар педагог кадрларнинг касбий шахсий ривожланиш даражасини баҳолаш имконини беради.

Лойиҳа ишлари кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган гуруҳли таълим дастури синовдан ўтди ва ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари раҳбарлари малакасини ошириш ўқув режасига тавсия қилинди. Синовдан ўтказиш ишлари 2003 йилдан 2007 йилгача ўрта махсус касб-хунар таълими тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтида амалга оширилди.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертациянинг асосий ҳолатлари ва ўтказилган тадқиқотлар материаллари институт кафедралари йиғилишларида, илмий ва методологик семинарларда, республика ва халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган: “Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришнинг илғор технологиялари (Тошкент-2003), Педагогик ва ахборот технологиялари: ютуқлар ва истиқболлари” (Тошкент-2003), “Ўрта махсус, касб-хунар таълими учун педагог ходимлар тайёрлаш ва малака ошириш тизимининг долзарб масалалари” (Тошкент-2004), “Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида педагогик ва ахборот технологияларини татбиқ этиш муаммолари” (Тошкент-2004), “Кишининг шахсий ва касбий ривожланишида субъектлик” – Ижтимоий ҳуқуқ институти (Қозон-2004), “Таълим тизими сифатини ошириш муаммолари” (Тошкент-2004), “Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрларининг эҳтиёжига асосланган малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими истиқболлари” (Тошкент-2005), “Таълим жараёнининг асосий жабҳаларини такомиллаштириш йўллари” (Чимкент-2005), “Узлуксиз таълим – ишловчи аҳоли учун таълим сифати ва ҳаёт даражасини ошириш шартларидан бири сифатида” (Санкт Петербург-2006), “Узлуксиз таълим: муаммо ва режалар” (Алмата-2006), “Ўрта махсус, касб-хунар таълим тизимида замонавий ўқитиш технологияларини ишлаб чиқиш ва ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш муаммолари” (Бухоро-2006), “Ўрта махсус, касб-хунар таълими педагогик кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимининг илмий-методик асосларини таъминлаш” (Тошкент-2006), “Педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш

жараёнида ахборот коммуникация ва педагогик технологияларни қўллаш муаммолари” (Тошкент-2007), Узлуксиз таълим – барқарор ривожланиш учун” (Санкт Петербург-2008).

Тадқиқот натижаларининг **хаққонийлиги ва асосланганлиги** тадқиқотнинг предмети ва масалаларига мос усуллар мажмуасидан комплексидан фойдаланган ҳолда, назарий ҳолатларнинг умумлашмаси ва ҳулосаларнинг экспериментал маълумотлар билан ташхисий экспериментларнинг натижалари билан синалувчиларнинг репрезентатив танловига мослиги билан, математик статистика методини маълумотларни қайта ишлашга мувофиқ қўллаш билан таъминланади.

Тадқиқотнинг тажриба синов базаси бўлиб, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти хизмат қилди. Тажрибанинг турли босқичларида 1500 га яқин тингловчи иштирок этди.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация тадқиқоти натижалари 4 та журнал мақоласи, 2 та методик тавсиянома ва 15 та халқаро ва республика илмий ва илмий амалий конференциялар материалларида ўз аксини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, асосий ҳулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг асосий матни 151 саҳифа бўлиб, 18 та жадвал, 12 та расмни ўз ичига олади. Манбалар рўйхати 127 номда.

2. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзу асослаб берилади, тадқиқот объекти ва предмети белгиланади, унинг мақсад ва вазифалари, методологик асослари, манбалари характерлаб берилади, илмий янгилиги очиб берилади, назарий ва амалий аҳамияти ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар ифодаланади.


“Ахборотлаштириш шароитида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш илмий изланишнинг объекти сифатида” номли диссертациянинг биринчи бобида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлашнинг тадқиқот муаммоларининг назарий асослари очиб берилган. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлашнинг назарий асосига узлуксиз таълимнинг концептуал қоидалари ва катталарни ўқитишнинг ташкилий дидактик тамойиллари қўйилган. Хорижий педагоглар малакасини ошириш тизимининг ҳолати ва ривожланиш йўналишлари, шунингдек мамлакат ўрта махсус, касб-ҳунар таълими педагог кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимининг тарихий тажрибаси ва замонавий ривожланиши таҳлил қилинган.

Ҳар қандай илмий-амалий изланиш, тадқиқ этилаётган предметнинг такомиллашишига йўналтирилганлиги таъкидланган. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими педагог кадрлари малакасини оширишнинг назарияси ва амалиёти асосида узлуксиз таълим ва катталар таълимининг янада

фундаментал ва чуқурроқ ишлаб чиқилган методологик асослари ётади. Ишнинг асосига қўйилган малака оширишнинг назариялари ушбу концептуал қоидаларнинг шаклланишига имкон беради:

- узлуксиз таълимнинг ажралмас қисми бўлган ўрта махсус, касб-хунар таълими педагогик кадрлари малакасини ошириш тизими узлуксизлик тамойили асосида қурилмоқда.
- педагогик таълимнинг яхлит тизимининг бўлаги сифатида ўрта махсус, касб-хунар таълими педагог кадрлари малакасини ошириш тизими олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари билан изчиликни таъминлайди.
- ўрта махсус, касб-хунар таълими педагог кадрлари малакасини оширишнинг дидактик асосига катталарни ўқитишнинг назарияси ва амалиётининг ташкилий педагогик тамойиллари қўйилиши лозим.

Катталар таълимининг узлуксизлиги концепцияси бўйича психологик-педагогик адабиётлар таҳлили узлуксиз таълим тури сифатидаги педагогик кадрлар малакасини ошириш назарияси ва амалиётининг фанлараро асосга эғалигини таъкидлаш имконини беради (1-расм). Малака ошириш тизимининг олдида турган масалаларнинг кенглиги ва мажмуавийлиги педагог кадрлар малакасини оширишни ўрганишда жаҳон тажрибаларини ҳисобга олишни талаб қилади.



1-расм. Ўрта махсус, касб-хунар таълими педагогик кадрлари малакасини оширишнинг назарияси ва амалиётининг фанлараро боғлиқлиги

Замонавий шароитларда миллатлараро ўзаро ҳамкорликнинг ва ўзаро бойиб бораётган маданий анъаналар, узлуксиз педагогик таълим муаммоларининг универсаллашиши хорижий тажрибалардан мамлакат

педагогик кадрлар малакасини ошириш тизимининг моделлаштиришда ижодий фойдаланиш учун объектив воситалар вужудга келади.

Ғарб давлатларидаги педагоглар малакасини ошириш тизимини ривожланишининг аниқланган йўналишлари ўзини амалда қўллашнинг турли даражаларига имкон берувчи ва ҳозирги кунда педагог кадрлар малакасини оширишнинг замонавий концепциясини амалга ошириш йўллари кўрсатувчи таянч ғояларни аниқлаш имконини беради. Ушбу парадигманинг элементларини билиш мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожланиш даражаси, миллий таълим анъаналари ва маданиятининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ЎМКХТ педагог кадрлари малакасини ошириш тизими самарадорлигини оширишнинг эҳтимолли аниқ чораларини кўришнинг мазмуний асосини таъминлайди.

Педагог кадрлар малакасини оширишнинг хорижий тажрибалар билан бойитилган назарий асослари сифатида шакллантирилган концептуал ҳолатлар, мамлакат педагог кадрлар малакасини ошириш тизимининг шаклланиши ва ривожланишининг ретроспектив таҳлилининг ўтказиш, таълимнинг ушбу тури ҳақидаги тарихий тасаввурларни умумлаштириш, иккинчидан, ижтимоий институт сифатидаги таълим тизимининг ривожланиши давомида таълимни ташкил қилиш, унинг мазмуни ва воситаларига бўлган қарашларнинг ўзгаришини кузатиш, учинчидан, педагог кадрлар малакасини ошириш тизимини ривожланишидаги дунёдаги йўналишлари қай даражада республика малака ошириш тизимини ташкил қилинишига таъсир кўрсатганлиги, яъни, малака ошириш тизимининг ривожланиши салоҳиятининг асосий кўрсаткичи бўлиб хизмат қиладиган янгиликларни қабул қилиш хусусиятини аниқлаш имконини бери.

“ЎМКХТ педагог кадрлари малакасини ошириш тизими самарадорлигини оширишнинг ташкилий-педагогик шароитлари” деб номланган иккинчи бобда педагогнинг касбий-педагогик моделини, шунингдек ўқитиш моделини қуриш мақсадида тинловчиларга таълим беришнинг устунликка эга бўлган усулларини аниқлашга бўлган методик ёндашувлар тақдим этилган. ЎМКХТ педагог кадрлари малакасини ошириш таълим дастурининг моделини тузишнинг тамойиллари шакллантирилди ва унинг асосида ЎМКХТ педагог кадрлари малакасини ошириш таълим дастури мазмунини лойиҳалаштириш методикаси ишлаб чиқилди.

Бунда, педагог кадрлар малакасини ошириш сифатини пасайтирувчи бош сабаблардан бири сифатида, дарс бериш методлари тинловчиларни уларнинг касбий-шахсий шаклланиши ва ривожланишидаги турли омиллар билан белгиланган ўқитиш стратегиясидаги фарқларни ҳисобга олмаслиги (ёки етарли даражада ҳисобга олмаслиги) аниқланди.

Касбий-педагогик фаолиятни амалга оширишнинг шароитлари ва омилларининг тинловчиларни ўқитишнинг мазмуни ва технологияларида мос равишда акс эттирилиши педагог кадрлар малакасини оширишнинг асосий детерминантлари – мақсад ва мазмунни тушунишдаги ўзгаришларга олиб келади

Ҳар бир педагог ўзининг касбий-шахсий ривожланишида бир неча босқичларни босиб ўтади. (1-жадвал).

1-жадвал.

Босқичли касбий-педагогик ривожланишнинг умумлашган модели

Ривожланиш босқичлари	Маҳорат даражалари	Касбий ўзини тутишининг хусусиятлари	Касбий маҳоратлар
Биринчи	Бошловчи педагог	Ташқи қоидаларга йўналиш, намуналар, тавсиялар	Ижрочилик
Иккинчи	Ёш педагог	Реал педагогик вазиятни ташкил қилувчи бўлакларни ажратишга интилиш, уни психологик-педагогик таҳлилга йўналтириш	Таҳлилий
Учинчи	Маҳоратли педагог	Касбий педагогик фаолиятни режалаштириш ва ташкил этиш	Лойиҳалаштирувчи
Тўртинчи	Тажрибали педагог	Педагогик реалликни яхлит, тизимли кўриш, педагогик амалиётнинг муҳим элементларини ажратиш	Тизимли
Бешинчи	Педагог-уста	Мураккаб, кечиктирмай ҳал қилишни талаб қилувчи педагогик ҳолатни интуитив бутун англаш	Ташкилий

Касбий-шахсий ривожланишнинг ҳар бир босқичи мустақил ўқиш ва таълим олишга нисбатан ҳам касбий ўзини тутишини сезиларли ўзгартиради. Касбий-шахсий ривожланишнинг босқичли характери объектив характерга эга бўлиб, педагогнинг касбий ва шахсий сифатларига бевосита боғлиқ эмас.

Касбий-шахсий ривожланишнинг устувор услубларини ва педагогларнинг уларга тегишли хилларини турлаш, мустақил таълим олиш ва малака ошириш характерига ҳам сезиларли таъсир кўрсатадиган касбий-шахсий фаолиятни амалга ошириш жараёнининг субъектив таркибий қисмига суянади(2-жадвал).

2-жадвал.

Касбий фаолиятнинг устувор услуби бўйича педагог типлари модели

Педагог типлари	Педагогик фаолият услуби	Ўқитиш типлари	Касбий маҳоратлар
педагог-ижрочи	Қоидалар бўйича ўқитиш	объектив-мантикий ўқитиш	стандарт методикалар
педагог-новатор	Муаллифлик мактаби	вазиятли ўқитиш	Муаллифлик методикалари
педагог-технолог	Технологик ўқитиш	контекстли ўқитиш	педагогик технологиялар

Турли хилдаги педагоглар касбий ривожланишининг даврийлик қонуниятларига ва уларга тегишли касбий-педагогик фаолият услубларига асосланган ҳолда, педагоглар фойдаланадиган устувор таълим стратегияларини, яъни педагог кадрларнинг касбий-шахсий ривожланиш жараёнида уларнинг мустақил таълим олиши ва малакасини ошириши усулларини аниқлаш мумкин (3-жадвал).

Касбий-педагогик фаолият услуги билан боғлиқ таълим методлари

Педагог типлари	Касбий-педагогик фаолият воситалари ва методлари	Ўқитиш методлари
педагог-ижрочи	Тайёр намуналардан фойдаланиш	Тушунтирув-кўргазмали, репродуктив
педагог-новатор	Ўз касбий тажрибасидан фойдаланиш	Изланувчи-тадқиқотли
педагог-технолог	объективлаштирилган тажрибадан фойдаланиш	Муаммоли

Шу билан бирга, касбий-шахсий хусусиятлар ва таълим муассасасининг муайян шароитларида шаклланган касбий-педагогик фаолиятнинг индивидуал услубини таълим воситалари билан қарийб тўғрилаб бўлмаслигини ҳисобга олиш лозим

Педагогларнинг касбий-педагогик фаолиятининг устувор услублари, уларнинг касбий-шахсий ривожланиш даражаларига боғлиқ типларини ажратиш зарурий операцияликларга эга, яъни, таълим дастурини лойиҳалашда дидактик воситалар танловини чеклаш имконини беради.

“Таълим дастури” тушунчасининг контекстли мантикий операцияси сезиларли фарқловчи белгиларни ажратиш ва аниқланаётган тушунчанинг у ишлатилган контексти билан алоқасини аниқлаш методи орқали берилган:

Муҳим хусусияти “ҳужжат” бўлиб ҳисобланган, шакллантирилган “таълим дастури” тушунчасининг тўлиқлигини текшириш, таълим дастурини таълимнинг ҳужжатлаштириш тизимида киритиш орқали амалга оширилди. “Таълим дастури” тушунчасининг мазмунини кенгайтириш реал таълим дастури қондириши лозим бўлган тизимли талаблар: мазмунга, тузилмага, амалга ошириш шароитларига ва таълим дастурини ўзлаштириш натижаларига бўлган талабларни ҳисобга олишга эришилди

Таълим дастурининг тавсифли моделидан фойдаланиш ЎМКХТ педагогик кадрлари малакасини ошириш тизимида қўлланиладиган: модели, гуруҳли ва индивидуал таълим дастурлари турларини кўрсатиш имконини беради. Таълим дастурининг ҳар бир турига тавсифли белгиларнинг маълум йиғмалари мос келади. Таълим дастурининг турларидан бирига ажратиш учун асос бўлиб, биринчидан, ҳужжатнинг ташкилий-йўриқнома ҳужжатлари тизимида таснифлаш, шунга тегишли равишда таълим дастури аниқлайдиган (мувофиқлаштирадиган) ўқитиш субъектлари муносабатларининг кўпхиллиги, иккинчидан, таълим дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тартиби хизмат қилади.


Ташкилий-дидактик тизимнинг бир бутунлигига, таълим дастурлари турларининг изчиллигига, таълим дастурининг мазмуни, тузилмаси, амалга ошириш шароитлари ва ўзлаштириш натижаларига бўлган талабларнинг ягоналиги орқали эришилади.

Турли хилдаги таълим дастурларининг тузилмавий бирлиги ЎМКХТ педагогик кадрлари малакасини ошириш таълим дастурларини лойиҳалаш учун шароит яратади.

Таълим дастури компоненти сифатидаги ўқитиш мазмуни лойиҳаси мураккаб даражали тузилмага: умумлаштирилган кўзлаш даражаси, ўқув режаси даражаси, ўқув дастури даражаси, педагогик воқеълик даражаси ва шахснинг ривожланиш даражасига эга. Лойиҳалаштириладиган мазмунни кўзлашнинг биринчи даражаси ўқитиш натижаларига бўлган талабларни белгилайди, иккинчиси – лойиҳалаштириладиган таълим жараёнини ёйиш модели ҳисобланади.

ЎМКХТ педагогик кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув режасининг модулли тузилмаси умумлаштиришнинг икки даражаси билан: барча таълим дастурлари учун умумий ҳамда, тингловчиларнинг турли тоифалари таълим дастурлари учун алоҳида кўрсатилиши мумкин. Ўқув режаси даражасидаги ўқитиш мазмуни таълим мазмунининг кейинги босқичи – ўқув дастурига бўлган талабларни расмийлаштиради.

Тизимли модель ўқитишнинг лойиҳалаштириладиган мазмунини белгилаб беради, ўқув режаси модулли тузилмасини декомпозициялашни бажаради (2-расм).



2-расм. Ўқув дастурининг тузилмавий модели

Ўқув дастури даражаси ўзлаштиришга мўлжалланган мазмунни ёйилган кўринишда тақдим этади ва қуйидаги дидактик функцияларни: мақсадни белгилаш, мақсадни кўрсатиш ва назоратни бажаради. ЎМКХТ педагогик кадрларини малакасини ошириш таълим дастури мазмунини лойиҳалаштиришнинг икки пастки – педагогик воқеълик ва тингловчиларни шахсий ривожланиш даражаси таълим жараёнининг ташкилий тузилмасини лойиҳалашга тегишли.

Малака ошириш гуруҳли таълим дастурининг модели реал ишлайдиган таълим дастурининг намунасини яратиш имконини берди, уни ўзлаштириш эса, таълим дастурларини ишлаб чиқишнинг назарияси ва амалиёти соҳасида билим ва кўникмаларнинг шаклланишига кўмак берди.

Учинчи, “Тадқиқотнинг назарий ҳолатлари ва амалий ишланмаларини қўллаш бўйича тажриба-синов ишлари” деб номланган бобда тадқиқотнинг тажриба қисмининг: тадқиқот давомида ишлаб чиқилган ЎМКХТ муассасалари раҳбарлари малакасини ошириш таълим дастури тажрибавий лойиҳасини амалга ошириш учун назорат ва тажриба гуруҳларини шакллантириш мақсадида тингловчилар - ЎМКХТ муассасалари раҳбарларининг касбий-шахсий ривожланишининг омиллари ва шароитларини тажрибада аниқлаш натижалари келтирилган. ЎМКХТ педагогик кадрлари малакасини ошириш тизимида ўқитишнинг сифатини баҳолаш кўрсаткичлари тизимини шакллантириш технологиясини қўллаш натижалари олинган

Тингловчиларнинг тажриба ва назорат гуруҳларини шакллантириш тажриба ишларининг аҳамиятли натижаларини олишда муҳим аҳамиятга эга. Назорат ва тажриба гуруҳлари таркиби шу билан белгиланадики, ЎМКХТ муассасалари раҳбарлари (касб-ҳунар коллежлар ва академик лицейлар директорлари, уларнинг ўринбосарлари, муҳандис-педагогик ходимлар раҳбарлари) ЎМКХТ педагогик кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими тингловчиларининг алоҳида тоифасини ташкил этади. Раҳбарлар малакасини оширишнинг хусусияти тўғридан-тўғри таълим мазмунини аниқлайдаган касбий фаолият тузилмасининг мураккаблиги билан аниқланади. Бундан ташқари, педагог ходимлардан фарқли ўлароқ раҳбарлар таркиби ҳам касбий фаолият тажрибаси бўйича, ҳам касбий тайёргарлик даражаси бўйича ҳар турлидир.


Олинган маълумотларнинг таҳлили шунга гувоҳлик берадики, сўровдан ўтказилган ЎМКХТ муассасалари раҳбарларининг аксарияти ўз касбий даражасини юқори эмас деб баҳолайди (4, 5-жадваллар).

4-жадвал

Раҳбарларнинг касбий шахсий ривожланиши даражаси

Савол	Директор ўринбосари	директор															
	Сўралганлар сонига нисбатан %да																
Сиз лавозимга тайинланишингиздан олдин касбий-бошқарув тайёргарлигининг қайси даражасидан ўтдингиз?	<table border="1"> <thead> <tr> <th>Даража</th> <th>Директор урин.</th> <th>Директор</th> </tr> </thead> <tbody> <tr> <td>юқори</td> <td>0</td> <td>0</td> </tr> <tr> <td>етарли</td> <td>15</td> <td>4</td> </tr> <tr> <td>зарур</td> <td>12</td> <td>15</td> </tr> <tr> <td>етарли эмас</td> <td>73</td> <td>81</td> </tr> </tbody> </table>		Даража	Директор урин.	Директор	юқори	0	0	етарли	15	4	зарур	12	15	етарли эмас	73	81
Даража	Директор урин.	Директор															
юқори	0	0															
етарли	15	4															
зарур	12	15															
етарли эмас	73	81															
• юқори	0	0															
• етарли	15	4															
• зарур	12	15															
• етарли эмас	73	81															

Раҳбарларнинг ўз касбий маҳоратларини баҳолаш натижалари

Савол	Директор ўринбосари	директор
	Сўралганлар сонига нисбатан фоиз	
1. Ўзингизни касбий маҳорат даражангизни қандай баҳолайсиз		
• Юқори	2	4
• Етарли	35	37
• Етарли эмас	63	59

Яна бир хусусият – ўрта махсус, касб-хунар таълими педагог кадрлари малакасини ошириш таълим муассасаларининг ташқи томондан бир хиллигига қарамай, аниқ шароитларда касб-хунар коллежлари ва академик лицейларнинг типологиясининг фаолият таркиби анча кенг бўлганидек бошқарув таркиби ҳам шундай.

Раҳбарларнинг таълим дастури инвариант ва вариатив қисмларни ўз ичига олади. Инвариантли қисмни ташкил этувчи мазмун ўрта махсус, касб-хунар таълими педагог кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга бўлган Давлат талабларидан иборат. Вариатив қисм эса раҳбарларнинг касбий шахсий эҳтиёжларини тизимли равишда ўрганиш асосида шаклланади.

Раҳбарлар таълим дастурини лойиҳалаш бошқарув кадрлари реал ҳолатининг таҳлили ва замонавий ижтимоий-иқтисодий шароитларда ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими таълим муассасалари раҳбарларининг узлуксиз ривожланувчи касбий фаолиятида кутиладиган муаммолари; таълим дастури самарадорлигини аниқлаш мезонлари, амалга оширишнинг объектив шароитини таълим мотивациясига таъсир кўрсатувчи омилларининг аниқланиши билан биргаликда олиб борилади.

Тингловчиларнинг сифат таркиби ҳақидаги йиғилган ва умумлаштирилган маълумотлар тажриба синов ва назорат гуруҳларини, тингловчиларни тасодифан танлаш ва уларни тажриба вазиятига қўйиш методи билан шакллантириш имконини берди. Тажриба гуруҳига хоҳиш билдирган тингловчилар киритилди. Назорат гуруҳига дастурни муваффақиятли ўзлаштириш салоҳиятига тайёр, лекин унга қизиқиш билдирмаган тингловчилар қабул қилинди.

Тингловчиларни тажрибавий таълим дастурида иштирок этишга тайёрлаш давомида замонавий раҳбар қай даражада “таълим дастури” тушунчасини эгаллаганлиги аниқланди.

Тажрибавий таълим дастурини ўрта махсус, касб-хунар таълими раҳбарлари малакасини оширишнинг амалдаги ўқув режаси таркибига


киритиш учун, уни ўқув режаси модели билан таққослаш ўтказилди. Тажрибавий таълим дастурининг ўқув режаси педагогик лойиҳалашнинг асосий масалалари бўйича 4 соат назарий тайёргарликни, тингловчиларнинг мустақил ишлаши учун ажратилган 16 соат амалий ишларни ўз ичига олган.

ЎМКХТ муассасаси раҳбари таълим дастурининг натижавийлигини аниқлашнинг мақсади ва мезони таълим муассасаси таълим дастурини ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича билим ва малакани лойиҳалаш фаолияти ҳисобланади.

Лойиҳа фаолиятнинг гуруҳли характери ташхис воситалари шароити ва гуруҳ аъзоларининг ҳамкорликдаги фаолияти омиллари билан таъминланиши лозим. Самарали ташхис методи сифатида социометрия фойдаланилди. Гуруҳли жипслик индекси тажриба ўтказиш муддати давомида аниқланди (3-расм). Гуруҳли психологик жипслик индекси (Гпжи) – унинг гуруҳли бирлиги даражасини аниқлайди:

$$I_{пжи} = \frac{\sum K^{++}}{0,5N(N-1)}, \quad (1)$$

Бунда $\sum K^{++}$ - гуруҳда ўзаро ижобий танловчилар қиймати; N- синалувчилар сони.




3-расм. Гуруҳли жипсликнинг ўзгариш динамикаси

Таълим жараёнида социометрик ўлчовларнинг қўлланилиши шуни кўрсатадики, социометрик статус индексини ҳисоблаш гуруҳ аъзосининг ўрни, ҳолатини аниқлайди ва бу натижани гуруҳ аъзоси ҳамкорликдаги фаолиятининг фаоллик кўрсаткичи – “гуруҳли иш коэффиценти” сифатида интерпретациялаш имконини беради.

Таълим дастурлари сифатини баҳолашда ўз-ўзига баҳо бериш алоҳида аҳамият касб этади. Педагогик кадрлар малакасини оширишнинг сифатини таҳлил қилиш ва баҳо беришнинг асосига экспертли ёндашув қўйилган бўлиб, бунда эксперт бўлиб, таълим жараёни иштирокчиларининг ўзлари чиқадилар, методнинг ўзи эса таълим жараёни сифатини баҳолашда хусусий кўрсаткичлар бўшлиғини чегаралаш масаласини ҳал этишга асосланган.

Таълим жараёни сифатини баҳолаш масаласи тингловчилар билан сўровнома орқали сифат кўрсаткичлари бўлган: таълим жараёнини ташкил этиш, таълим жараёнини методик таъминлаш, ўқитувчи ва тингловчиларнинг ҳамкорликда ишлаши, ўқитувчининг шахсий сифатларини анкеталаштириш ва баҳолаш йўли билан ҳал этилган (4-расм).



4-расм. Тингловчиларнинг қониқарлилик даражаси

Квалиметрик таҳлил жараёнида баҳоларни шкалалаш муаммоси пайдо бўлди. Икки поғонали шкалалаш тизими тақдим этилди. Тўлдирилган анкеталар Microsoft (R) Excel 7.0. муҳитида қайта ишлаб чиқилган.

Ўтказилган анкета текширувлари ва статистик таҳлилнинг синтези натижалари таълим сифатини баҳолашнинг янги ёндашувларига ён босувчи умумлашган моделини ажратиб берди.

3. ХУЛОСА

1. Малака ошириш назарияси негизига қўйилган методологик асослар қуйидаги концептуал ҳолатларни шакллантириш имконини берди:

- узлуксиз таълимнинг бўлаги сифатида ЎМКХТ педагог кадрлари малакасини ошириш тизими узлуксизлик тамойиллари асосида қурилади;
- педагогик таълимнинг бўлаги сифатида ЎМКХТ педагог кадрлари малакасини ошириш тизими олий ва ўрта махсус, касбий таълим муассасаларида касбий педагогик тайёргарликнинг изчиллигини таъминлайди;
- ўрта махсус, касб-ҳунар таълими педагогик кадрлари малакасини оширишнинг дидактикаси негизига катталарни ўқитишнинг назарияси ва амалиётининг ташкилий педагогик тамойиллари қўйилиши лозим;

2. Малака ошириш тизими олдида турган масалаларнинг мажмуавийлиги ва кенглиги педагогик кадрлар малакасини оширишни ўрганишда жаҳон тажрибаларини ҳисобга олишни талаб қилади. Педагогик

кадрлар малака оширишининг хорижий тизими ривожланишининг аниқланган йўналишлари ўзининг тажрибада амалга оширилишининг турли даражаларига йўл қуйилиши ва ҳозирги кунда педагогик кадрлар малакасини оширишининг замонавий концепциясини амалга оширишнинг йўлини кўрсатиб берувчи таянч ғояларни аниқлаш имконини беради.

3. Шакллантирилган концептуал ҳолатлар хорижий тажрибалар билан бойитилган педагогик кадрларнинг малакасини оширишнинг назарий асоси сифатида мамлакат педагогик кадрлар малакасини ошириш тизимининг оёққа туриши ва ривожланишининг ретроспектив таҳлилини ўтказиш имконини берди, ушбу таълим тарихи ҳақидаги тасаввурларни умумлаштириш, иккинчидан, унинг ташкил этилиши, мазмуни ва таълим воситаларига бўлган қарашларнинг ўзгаришини таълим тизимининг ижтимоий институт сифатида ривожланишига қараб кузатиш, учинчидан, педагогик кадрлар малака оширишининг ривожланишида дунёвий тенденциялар қандай ўлчамда мамлакат малака ошириш тизимини кўтаришга, яъни малака ошириш тизимининг янгиликларни қабул қилишини аниқлаш, унинг ривожланиш салоҳиятининг асосий кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади.

4. Турли хилдаги педагоглар ва уларга хос касбий-педагогик фаолият услубига қараб, педагоглар касбий ривожланиши даврийлиги қонуниятига таяниб, педагоглар фойдаланадиган таълимнинг устувор стратегиясини аниқлаш, яъни касбий-шахсий ривожланиш жараёнида педагог кадрлар малакасини ошириш ва мустақил таълим олиш усуллари аниқлаш мумкин.

Касбий-педагогик фаолиятнинг устувор услубига, касбий-шахсий ривожланиш даражаларига қараб педагоглар типларини ажратиш зарурий операцияликларга эга, яъни таълим дастурини лойиҳалаштиришда дидактик воситалар танловини чеклайди.

5. “Таълим дастури” тушунчасининг контекстли мантиқий операцияси сезиларли фарқловчи белгиларни ажратиш ва аниқланаётган тушунчанинг у ишлатилган контексти билан алоқасини аниқлаш методи орқали берилган:

Муҳим хусусияти “ҳужжат” бўлиб ҳисобланган, шакллантирилган “таълим дастури” тушунчасининг тўлиқлигини текшириш, таълим дастурини таълимнинг ҳужжатлаштириш тизимида киритиш орқали амалга оширилди. “Таълим дастури” тушунчасининг мазмунини кенгайтириш реал таълим дастури қондириши лозим бўлган тизимли талаблар: мазмунга, тузилмага, амалга ошириш шароитларига ва таълим дастурини ўзлаштириш натижаларига бўлган талаблар ҳисобига эришилди.

6. Таълим дастурининг тавсифли моделидан фойдаланиш ЎМКХТ педагогик кадрлари малакасини ошириш тизимида қўлланиладиган: модели, гуруҳли ва индивидуал таълим дастурлари турларини кўрсатиш имконини беради. Таълим дастурининг ҳар бир турига тавсифли белгиларнинг маълум йиғмалари мос келади. Таълим дастурининг турларидан бирига ажратиш учун асос бўлиб, биринчидан, ҳужжатнинг ташкилий-йўриқнома ҳужжатлари тизимида таснифлаш, шунга тегишли равишда таълим дастури аниқлайдиган (мувофиқлаштирадиган) ўқитиш

субъектлари муносабатларининг кўпхиллиги, иккинчидан, таълим дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тартиби хизмат қилади.

7. Ташкилий-дидактик тизимнинг бир бутунлигига, таълим дастурлари турларининг изчиллигига, таълим дастурининг мазмуни, тузилмаси, амалга ошириш шароитлари ва ўзлаштириш натижаларига бўлган талабларнинг ягоналиги орқали эришилади.

8. Таълим дастурини лойиҳалаш бошқарув кадрлари реал ҳолати таҳлили ва замонавий ижтимоий-иқтисодий шароитларда ЎМКХТ раҳбар кадрлари касбий фаолиятининг муттассил ривожланиб бориш муаммоларини аниқлаш; таълимнинг мотивациясига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш; таълим дастурининг сармарадорлик мезонларини аниқлаш; амалга ошириш технологияси ва объектив шарт-шароитларни аниқлаш.

Шундай қилиб, биз томонимиздан қўйилган вазифалар доирасида тадқиқот дастури тўлиқ бажарилди, бу эса илгари сурилган фаразни асослаш ва ҳимояга олиб чиқилган ҳолатларни исботлаш имконини берди.

4. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдуназарова Н.Ф. Методы интенсификации уроков производственного обучения. // Материалы научно-практической конференции «Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришнинг илғор технологиялари»: Тез.докл.. – Ташкент, 2003 – С.85.

2. Абдуназарова Н.Ф. Интенсификация учебного процесса путем использования новых информационных технологий в системе ССПО // Материалы научно-практической конференции «Педагогик ва ахборот технологиялари: ютуқлар ва истикболлари»: Тез.докл.. – Ташкент- 2003 – С.169.

3. Абдуназарова Н.Ф. Информационные технологии в системе повышения квалификации педагогических кадров // Материалы Республиканской научно-теоретической конференции «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими учун педагог ходимлар тайёрлаш ва малака ошириш тизимининг долзарб масалалари»: Тез. докл– Ташкент - 2004 – С.30.

4. Абдуназарова Н.Ф., Рашидов Ш.Х. Социально-педагогические аспекты технологизации общества // Материалы научно-практической конференции «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида педагогик ва ахборот технологияларини татбиқ этиш муаммолари»: Тез.докл. – Ташкент – 2004- С.17.

5. Абдуназарова Н.Ф. Формирование субъектности обучаемого в условиях информатизации общества. // Материалы международной конференции «Субъектность в личностном и профессиональном развитии человека»: Тез. докл - Социально- юридический институт -Казань- 2004 - С.76.

6. Абдуназарова Н.Ф.Использование новых педагогических технологий, как показатель профессионального мастерства. // Материалы научно-

практической конференции «Таълим тизими сифатини ошириш муаммолари.»: Тез.докл. – Ташкент – 2004- С.94.

7. Абдуназарова Н.Ф. Сыдыков М.Е. Дидактические средства реализации информационных технологий. // Материалы научно-практической конференции «Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрларининг эҳтиёжига асосланган малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими истиқболлари.»Тез. докл –Ташкент - 2005 – С. 70.

8. Абдуназарова Н.Ф. Социально – педагогические аспекты информатизации общества // Ж. Касб – хунар таълими.-Ташкент, 2005- № 4 С.30.

9. Абдуназарова Н.Ф. Сетевые информационные технологии как предмет и средство обучения.// Материалы научно-практической конференции «Пути совершенствования основных аспектов образовательного процесса»: Тез.докл – Чимкент- 2005- С.10.

10. Абдуназарова Н.Ф. Развитие системы непрерывного образования в условиях информатизации общества. // Материалы международной конференции «Непрерывное образование как одно из условий обеспечения работающему населению повышения качества образования и качества жизни»: Тез.докл.- Санкт-Петербург - 2006.- С.5.

11. Абдуназарова Н.Ф. Направления исследований теории дистанционного обучения. // Материалы международной конференции «Непрерывное образование: проблемы и перспективы»: Тез.докл.- Алма-ата- 2006. - С.341.

12. Абдуназарова Н.Ф. Масофавий ўқитиш ёки замонавий педагогик технологиялардан дарс жараёнида фойдаланиш. // Материалы научно-практической конференции «Ўрта махсус, касб-хунар таълим тизимида босмазамонавий ўқитиш технологияларини ишлаб чиқиш ва ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш муаммолари» Тез. докл - Бухоро - 2006 - С. 23.

13. Абдуназарова Н.Ф. Применение информационных технологий необходимый компонент повышения качества профессионального образования. //Материалы научно-практической конференции «Научно-методические основы обеспечения качества подготовки и переподготовки повышения квалификации педагогических кадров для системы ССПО»: Тез. докл - Ташкент- 2006. - С.26.

14. Абдуназарова Н.Ф. Волкова С.Р. Рекомендации совершенствования работы по повышению квалификации и переподготовки кадров системы ССПО. //Ж Касб–хунар таълими.- Ташкент, 2006- № 3- С.5.

15. Абдуназарова Н.Ф., Волкова С.Р., Опыт работы постоянно – действующих курсов повышения квалификации преподавателей системы ССПО // Методические рекомендации – Ташкент: ИПКиППКССПО, 2006 - 60 С.

16. Ходжабаев А.Р., Волкова С.Р., Абдуназарова Н.Ф.Совершенствование системы повышения квалификации и

переподготовки кадров ССПО //Научно-методические рекомендации– Ташкент: ИПКиППКССПО, 2006 - 56 С.

17. Абдуназарова Н.Ф. Использование компьютеров на уроках специальных дисциплин //Ж. Узлуксиз таълим – Ташкент- 2006 -№5 - С.31.

18. Абдуназарова Н.Ф. Тенденции развития системы повышения квалификации педагогов в теории и практике западных стран. Ж// Касб – хунар таълими. – Ташкент - 2007, № 6 - С.30.

19. Абдуназарова Н.Ф. Развитие системы повышения квалификации за рубежом. // Материалы научно-практической конференции «Проблемы применения информационно-коммуникационных и педагогических технологий в процессе повышения квалификации и переподготовки педагогических кадров» Тез. докл. –Ташкент – 2007 – С.7.

20. Абдуназарова Н.Ф. Билимларни рейтинг тизимида назорат қилишнинг компьютер тизими. Давлат патент идораси томонидан берилган гувоҳнома № DGU 01230 –Ташкент – 2007.

21. Абдуназарова Н.Ф.Основные принципы организации повышения квалификации педагогических кадров. // Материалы международной конференции «Непрерывное образование для устойчивого развития»: Тез.докл.- Санкт-Петербург -2008 – С.52.

РЕЗЮМЕ

диссертации Абдуназаровой Наргизы Фатхуллаевны на тему: «Педагогические основы повышения квалификации преподавателей профессиональных колледжей в условиях информатизации образования», на соискание ученой степени кандидата педагогических наук по специальности 13.00.08 – Теория и методика профессионального образования.

Ключевые слова: теория и практика образования взрослых, непрерывное образование, повышение квалификации педагогических кадров, стиль обучения, образовательная программа, организационные формы повышения квалификации, коэффициент групповой работы.

Объекты исследования: системы повышения квалификации и переподготовки кадров системы ССПО.

Предмет исследования: содержание и организационные формы повышения квалификации и переподготовки кадров системы ССПО.

Цель работы: определить педагогические основы содержания и организационных форм повышения квалификации и переподготовки кадров системы ССПО в условиях информатизации образования.

Методы исследования: теоретический анализ философской, педагогической, психологической, социологической литературы; анализ и синтез данных, а также изучение и обобщение педагогического опыта, изучение документации, анкетирование, социологические измерения, наблюдение, беседа, самоанализ и самооценка, опытно-экспериментальная работа.

Полученные результаты и их новизна: определены теоретические основания функционирования и развития системы повышения квалификации педагогических кадров ССПО; разработан метод моделирования стилей обучения педагогических кадров ССПО и методика применения модели в образовательном процессе; дано определение понятия «образовательная программа»; разработана модель образовательной программы, позволяющая разрабатывать индивидуальные, групповые и модельные программы, проекты содержания и формы обучения.

Практическая значимость: Разработана, экспериментально проверена и внедрена в образовательный процесс методика разработки образовательных программ повышения квалификации.

Степень внедрения и экономическая эффективность: по результатам исследования разработаны методические рекомендации для органов управления и образовательных учреждений ССПО, позволяющие оценивать уровень профессионально-личностного развития педагогических кадров. Групповая образовательная программа прошла апробацию и рекомендована для включения в учебный план повышения квалификации руководителей образовательных учреждений ССПО в качестве самостоятельного модуля.

Область применения: Система повышения квалификации и переподготовки кадров ССПО.

Педагогика фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Абдуназарова Наргиза Фатхуллаевнанинг 13.00.08—касб-хунар таълими назарияси ва услубияти ихтисослиги бўйича «Таълимни ахборотлаштириш шароитида касб-хунар коллежлари ўқитувчиларининг малакасини оширишнинг педагогик асослари» мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: катталарни ўқитиш назарияси ва амалиёти, узлуксиз таълим, педагог кадрларнинг малакасини ошириш, ўқитиш стили, таълим дастури, малака оширишнинг ташкилий шакллари, гуруҳларда ишлаш коэффициенти.

Тадқиқот объекти: ЎМКХТ тизими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизими.

Ишнинг мақсади: Таълимни ахборотлаштириш шароитида ЎМКХТ тизими кадрларини малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашнинг ташкилий шакллари ва мазмунини педагогик асосларини аниқлаш.

Тадқиқот усуллари: фалсафий, педагогик, психологик, ижтимоий адабиётларнинг назарий таҳлили; маълумотлар таҳлили ва синтези; оммавий педагогик тажрибани ўрганиш ва умумлаштириш; ҳужжатларни ўрганиш, анкета маълумотларини тўплаш, социологик ўлчашлар, кузатиш, суҳбат, ўз-ўзини баҳолаш, тажриба - синов ишлари.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: ЎМКХТ кадрлари малакасини ошириш тизими фаолияти ва ривожланишининг назарий асослари аниқланди; ЎМКХТ педагог кадрларини ўқитиш услубини моделлаштириш методи ва уларни таълим жараёнига қўллаш методикаси ишлаб чиқилди; “таълим дастури” тушунчасига таъриф берилди; индивидуал, гуруҳли ва модели дастурларни, таълим шакллари ва мазмуни лойихасини ишлаб чиқишга имконият яратувчи таълим дастурининг модели ишлаб чиқилди.

Амалий аҳамияти: Таълим дастурлари ишлаб чиқиш методикаси тажрибада текширилган ва малака ошириш таълим жараёнига татбиқ қилинган.

Жорий қилиниш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: Тадқиқот натижасида педагог кадрларнинг касбий-шахсий ривожланиш даражасини баҳолашга имкон берувчи ЎМКХТ таълим муассасалари ва бошқарув органлари учун методик тавсиялар ишлаб чиқилди. Гуруҳли таълим дастури апробациядан ўтди ва ЎМКХТ раҳбар ходимларининг малака ошириш ўқув режасига мустақил модул сифатида киритилди.

Қўлланиш соҳаси: ЎМКХТ кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизими.

RESUME

Thesis of Abdunazarova Nargiza Fatkhullayevna on the scientific degree of the doctor of philosophy in pedagogics on specialty 13.00.08-Theory and methods of vocational education subject: “Pedagogical foundations of professional development for teachers of vocational colleges under conditions of education informatization”

Keywords: Theory and practice of adults’ education, continuous education, professional development of pedagogical personnel, preference of style of professional-pedagogical activity, training style, educational program, organizational forms of professional development, team working coefficient .

Subject of inquiry: Systems of professional development and retraining of personnel for Senior Secondary Professional Education.

Aim of the inquiry:Content and organizational forms of professional development and retraining of personnel for SSVE.

Methods of inquiry: Determine pedagogical foundations of maintenance and organizational form of professional development and retraining of personnel for SSVE under conditions of education informatization. Methods of testing: theoretical analysis of philosophical, pedagogical, psychological, social literature; analysis and synthesis of data, as well as studying and generalization of pedagogical experience, documents research, and questionnaire design, social measurement, observation, conversation, self-examination and self-appraisal, research work.

The results achieved and their novelty: Determined theoretical foundations of functioning and elaboration of professional development of personnel for SSVE system; presented method of training styles modeling depending on stage of pedagogue professional-personal development and advantage of his style of professional activity; were given the definition about “educational program”; operated the model of educational program allowing to develop individual, team and model program, projects of supporting and training forms.

Practical value: Developed, experimentally checked and introduced into the educational process, methods of educational programs for professional development.

Degree of embed and economic effectivity: Were made methodical recommendations by investigation results for controllers and SSVE educational institutions which allowing evaluating the level of pedagogical professional-personal development. Team educational program passed approbation and recommended for including into the curriculum of professional development of SSVE educational institution leaders as self-dependent module.

Sphere of usage: System of professional development and retraining of personnel for Senior Secondary Professional Education.